

- Давлат тили ҳақиғагы Қонун ·қаңдай бажарылапты? ..

Яқында Тошкөйт вилояти Қибрай туманида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижросига багишланган катта айжуман бўлди. Йиғинда ана шу ишга мутасадди масъул ходимлар иштирок этди.

Улар орасида ўзбек раҳбарларидан ташқари руслар, арманлар, корейслар ҳам бор эди. Шунда галати бир тафсилот эътиборини жалб этди. Миллатимизга мансуб раҳбарларга нисбатан корейс ва арман дўстларимиз она тилимизда чиройлироқ ва разонроқ гапиришдик, бундан ҳамма хушнуд бўлди. Бу ҳол республикамиз учун гайри табииими ёки табиии жараёнга айланмоқдами? Йўқ, бу яхши ҳодиса табиии ва қонуний тусга кирди ёки кирмоқда дейишимизга эрта. Лекин Ҳукумат тил комиссияси аъзоси сифатида кўп жойларда бўлиб, жумхурянимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан мулоқот қилиб келётган бир адид сифатида сира тортина масдан айта оламан: тарихимиз, маданиятимиз, она тилимизга нисбатан чуқур ҳурмат ифодаси бўлмиш бу кутлуг жараён аста-секин бўлса-да, бошланди.

қаддам жамоатчилик орасида бу муддат жуда чўзизб юборилган, уни 5—6 йилга келтириш керак, деган фикрлар ҳам айтилганди. Тўғриси, камина ҳам бу давр жуда катта эмасмикан, деб ўйлаган пайтларим бўлганди. Лекин ҳаёт шуни кўрсатдикни, Олий Кенгаш бу мураккаб жараённи амалга оширишда узоқ муддат белгилаганди адолат нуқтai назаридан, яъни, бошча миллат вакилларига кенгроқ имкон яратиш лозимлигини ҳисобга олган экан. Рост, бу имконни яхши тушунмай, ҳатто уни сунистельмол қилиб, давлат тилини ўрганиш масаласига беписанд ва бефарқ қараётган кишилар ҳам оз эмас. Айниқса, идора ва вазирликлар ходимларининг шу саккиз йил баҳонасида бу ишга совуққонлик билан қарашларига жуда ачинарли ва ташвишлидир. Лекин бу кайфиятнинг вужудга келишига қонун эмас, балки

Анжуманд гапларган көрпес ва армани дүстларимизнинг нутқларини эшитиб ўтириб, бундан беш-олтийил муқаддам ўзим гувоҳи бўлган яна бир галати воқеани эсладим. Собиқ Иттифоқ даври. У маҳалда мен Ўзбекистон ёзувчilar уюшмасининг раисиман. Бир кун сабиқ СССР ёзувчilar уюшмасининг раиси, Ўзбекистонда туғилиб вояга етган таникли ёзувчи Владимир Карпов мемон бўлиб келди. Биз у билан лишига қонун эмас, балки ўша ташкилот, вазирлик ва корхона раҳбарларининг масъулнитсизлиги сабабидир. Чунки қонунда тилни ўрганиш учун саккиз йилни кутиб ўтириш лозим, деган модда йўқ. Бу жараёни қонун қабул қилинган кундан бошланиши шарт эди. Жойларда шундай ҳам бўлди. Бинобарин, эндиликда биз қонунни ислоқ қилиш ҳақида эмас, уни қатъий бажариш тўғрисида гапиришимиз зарур.

Йүк, қонунни бажарып кеп, тамом-вассалом.

Үтган асрда яшаб ижод үйлесінде борар экан, күпчелікни қызықтыраётган билік мұхым мұаммоми ўртақшылықтың ташлайлік. У ҳам бүл

В. Белинский шундай деб ёзган «Россиянинг фожеаси унда яхши қонууларнинг йўқлигига эмас, балки мавжуд қонууларнинг бажарилмаслигидир». Уйлайманки, тил бобида бу гапга қўшилиш керак. Нега? Чунки давлат тили ҳақидағи қонунда шундай моддалар борки, улар босқичма-босқич бўлса-да, барча идоралар, ташкилотлар, корхоналарда олиб борилладиган иш юритишнинг давлат тилига ўтиши, аниқ белгиланган. Қани, шу ҳақида мoddани (7-модда) кўриб чиқайлик. Бу модда бўйича республикада фаолият кўрсатетган барча идора, ташкилот ва корхоналар саккиз йил давомида давлат тилига тўлиқ ўтишлари шарт. Демокримизки, у ҳам, худди бошига моддалардек аллақачон амалга оширила бошлаши зарур эди. Ҳолбуки, кўп жойларда бу ишга қўл урилган ҳам эмас. Шунинг ўзиданоқ кўриниб турибиди, гап қонунда эмас, балки унинг ижросида. Гап қонунга ҳурмат ва эътиборда. Шунинг учун ҳам Ҳукумат тил комиссиясининг раиси, Узбекистон Республикаси Баш вазири Абдуллоҳим Муталов комиссиянинг кейинги мажлисларида бу масалага катта эътибор бермоқдалар. Зотан, Ҳукумат тил комиссияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси ходимларининг жойлардаги ишларни ўрганиш тажрибаси шуни кўралашади. Унинг ҳам бул она тилимиз соғлиги, инсонлиги ва унинг ривожи ҳақида. 75 йил давом этган мустабидлик даврида тилимиз равнақига катта пуртур етгани ҳаммамиз аён. Урушдан кейин дастлабки йилларни эслалик. «Ҳалқлар доҳийса» Сталин гўё салкам 5 йил давом этган оғир урушдан кейин ҳалқларимиз ҳаётда тилшунослик муаммасидан бошига ҳеч бир мансала йўқдай тиллар ривожи ҳақида «Правда» оғизифаларида катта мунозара очди. Бу масалага бишиланган рисоласи «Ҳалқлар отаси» келгуси барча тиллар бирлашиб, ягона тил пайдо бўлади. Унга қадар эса зонал тиллар вужудга келади деган «гениал» ягони илгари сенради. Бу «ўта доно» ягони кейинчалик Брежнев давом эттириди. Бу «буюк»ғолар асосида собиқ СССР кириувчи барча ҳалқлар бирлашиб, ягона совет ҳалқи вужудга келади, деган яири «улуг фикр» илгари сурилди. Аслини оғандан, бу «гениал»ғоларнинг ҳаммаси ҳалқлар ва уларнинг маддиянияти, ва биринчи галба уларнинг тиллари ривожи йўлига қўйилган метин тасиқлар эди. Шунинг учун ҳам республикамиз османинида истиқолол қўёши якираши биланоқ қўйилганинг дастлабки ва эолийжаноб қадамлардан бир — тилимиз йўлида бу тўсиқларни олиб ташлаш

иравнақ қүшиб, тиниқлиги-
га тиниқлик бахш этиб
турибди-ку ахир.

Аммо сунгги пайтларда баъзи адаб ва журналистила-
римиз саъни ҳаракатлари
билин тилимизга шундай
сўз ва атамалар кираётиб-
дики, уларнинг нотабий
ва зўрма зўраки жорий қи-
линаётганлиги шундоқ кўри-
ниб турибди. Худди ши-
рин ошдан чиқиб қолған
тош тишларни қандай зир-
қиратса, бу сўзлар ҳам
қулогинигизга бигиз сан-
чилгандай вужудимизни
зирқиратмоқда. Масалан,
тилимизга аллақачон син-
гиб кетган вокзал ўрнига
«қаторсарой», кафедра ўр-
нига таҳсилгоҳ, минбаргоҳ
каби кўйлаб сўйлар, ишп-

қаби күплада сузлар қулланыётидики, улар тилимизни безаяпти дея олмаймиз. Баъзан биз 30-йиллардаги аччиқ тажрибани эсимиздан чиқарып, велосипед ўрнига шайтонарава ихтиро қымлоқчи бўламиз. Ҳолбуки, мамлакатимиз жаҳон миқёсига интилмоқда экан, бозор иқтисодига оид жуда кўп байналмилал сўзларни рад этиш эмас, билъакс, уларни қабул қилишимиз ҳаётин заруратга айланмоқда. Чунки жаҳон мамлакатлари билан алоқани мустаҳкамлаш учун биз: бизнес, биржа, менеджер каби барча тиллардан жой олган атамаларни қабул қилишга мажбурмиз. Акс ҳолда, жаҳон иқтисодий ҳамкорлигидан узилиб қолишмиз муқаррар. Ҳар бир катта ва бой тилинг ажойиб бир хусусияти бор. У ҳам бўлса, вақт ўтиши билан бошقا тиллардан олган сўзларни ўз мулкига айлантириш қобилиятига эга бўлади. Ахир, трактор, автотранспорт, автомобил, поезд, вагон каби сўзлар аллақачон тилимиз мулкига айланаб кетди-ку. Улар ўрнига ўзбекча мукоабил

• Ўзбекистон ва жаҳон

ҚИТЪАЛАРАРО ҚҮПРИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонимизга дунё эшиклари бирма-бир очилмоқда. Бугунги кунда республикамизда кўплаб давлатларнинг элхихоналари ва консуллик идоралари, нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Европа Иттифоқи комиссиясининг миссияси шулардан биридир.

Иккинчи жаҳон уруши Европа иқтисодиётини дебарли вайрон қилган, нечане шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурган эди. Бундай оғир вазиятни тезроқ бартараф этиш ва қолаверса, биринчи жаҳон урушидан кейин йўл қўйилган хатоларни тақорроламаслик учун Фарбий Европадаги демократик давлатлар ҳукуматлари иқтисодий ва сиёсий ҳамжигъатликдаги янги тараққиёт йўлини танладилар. Бундан мақсад — иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва бундан кейин уруш хавфига йўл қўйиласлик учун биргаликда фаолият кўрсатишдан иборат эди. Даставвал, 1950 йилнинг 9 майда ўша пайтда Франция Ташиб ишлар вазири лавозимида бўлган Р. Шуман Европа кўмур ва пўлат бирлашмаси тузиш режасини таклиф этди. Бу таклиф икки жаҳон уруши нинг гувоҳи бўлган Европани иқтисодий ва сиёсий бирлаштириш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Шундан бўён 9 май ер юзининг кўплаб мамлакатларида Европа куни сифати-нишонланади.

қадамларни, назаримизда, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Марказий Осиёни ягона иқтисодий ҳудудга айлантириш йўлидаги саъӣ-ҳаракатлари билан қиёслаш жоизидир. Бу саъӣ-ҳаракатларнинг дастлабки натижаси сифатида юзага келган Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон республикалари ўртасидаги ягона иқтисодий маконнинг келажаги порлоқ эканига Европа Иттифоқининг бугунги камоли гувоҳдир. Ҳамжамиятнинг биринчи ютуғи асрлар давомида душманлик кайфиятида яшаган давлатлар ўртасида тинчликни барқарорлаштиргани бўлса, иккинчиси, миллий маданият ва давлатлар мустақилигини нисбатан ҳурмат ва эътиборнинг кучли эканидир. Европа Иттифоқининг барча расмий ҳужжатлари аъзо давлатларнинг 9 тилига таржима қилинади. Яна шуниси таҳсинга сазоворники, бирлашиш баробарида, Европа Иттифоқи ўта марказлашувдан қочишининг ўзига хос йўлидан бормоқда. Шу пайтга қадар иттифоқ фаолияти учта шаҳардан (Брюссель, Люксембург, Страсбург) бошқарилар эди. Якиндан бошлаб бирлашган Европа тоҷи-нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ху-зурида Европа Иттифоқи комиссияси техник ёрдами-ни мувофиқлаштириш бюроси (ЎЗБЮРОЕИК) ту-зилди. Хозирги кунда бюро жаноб Оливье Аллэ бошчилигидаги ЕИК миссияси билан яқин ҳамкорликда унумли ишламоқда. Тошкентда Ўзбекистон, Қирғизистон ва токиқистонлик банк мутахассислари мала-касини ошириш бўйича таҳ-сил маркази очилиши, энер-гетика ва ғаз ўлчагичлар ўрнатиш дастуруларининг амалда татбиқ этила бош-ланиши, Сирдарё ва Фаргона вилоятларида Европа тажрибасига асосланган ху-сусий фермер хўжаликли-ри андазасини яратиш, маҳаллий мутахассисларни малака ошириш, тажриба алмашиш учун Европа мамлакатларига йўллашдан ибо-рат бир қанча ишлар ана шу ҳамкорлик маҳсулидир.

Сўнгги пайтда Франция Президенти Ф. Миттеран билан ГФР канцлери Г. Коль Европа Иттифоқининг ян-гича кўринини — 24 та мамлакат иштирокидаги Европа конфедерациясини ту-зиш билан борглиқ гояни илгари сурмонда. Ҳўш, янги юз йилликда Европа ҳа-ритаси кандай ўзгаришлар-

Хозир Бельгия, Дания, Германия, Греция, Испания, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия сингари 12 та илгор давлат Европа Иттифоқига аъзо. Жаҳоннинг 130 мамлакати билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйган ушбу халқаро ҳамжамият Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) ҳамда БМТ билан елкама-елка туриб тинчлик ва фаровонлик йўлида хизмат қилимоқда. Европа Иттифоқини барпо этиш билан боғлиқ бирлашган Европа тақдирига дахлдор масалалар Майн бўйидаги Франкфурт, Копенгаген, Турин, Лисабон, Лондон ва Гаага шаҳарларида ҳам муҳокама қилинадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Европа Иттифоқининг изрои ордагани — Европа Иттифоқи комиссияси (ЕИК) ўртасида Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнинга техник ёрдам кўрсатиш юзасидан 1992 йилнинг апрелида меморандум ритаси қандай узгаришларга юз тутади? Буни вақт кўрсатади. Аммо бир нарса аён: юртбошимизнинг кетма-кет сафарлари туфайли Ўзбекистон билан Европа ўртасида тикланган кўпприк асрлар оша ҳар иккала қитъага баб-баравар хизмат қиласевади. Европа Иттифоқи комиссияси миссиясининг Ўзбекистонда амалда ошираётган ҳайрли ишлари эса ушбу кўпприкнинг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшади.

Гулом МИРЗО,
ЎЗА мухбiri.

— 10 —

**ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС УЧУН
ЮҚСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**"CENTRAL ASIA -
BANK & OFFICE '94"**

10-15 маада 1994 йылда (сабик XXІІК) КҮРГАЗМАСИНІ
ХАЛКАРДА

НАМОЙШ ЭТАДИЛАР

- банк фасилитаторларни автоматлаштыриш
- бизнесни ташкил этиш ва бошқарыш воситалари
- ташкилий техника ва алоқа воситалари
- офис учун үскүнлар ва мебедлар

ИШТИРОКЧИЛАР

Rank Xerox
Lotus
Valentint
Москва Sparc-технодологиялар марказы
ComputerLand
MCS ICL
RISO

Нурон
Технезис Инфо
Нихол
Вадим
ФАВН
Узагроинформ
Узинформтранссистема

Күргазма маъмурити: Ўзбекистон, 700077, г. Тошкент, Буюк Ипак Йули, 71/11, ЦМИ
Алоқа телефонлари: 68-88-47, 68-83-64, 68-22-28; факс: 68-75-98, 67-64-77

ЖОМИЙЛАР

ICE
"МашПК"
"Сети"
NIHOL
НИХОЛ
РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР

"ЎЗКСЕРОКС" ҚҚ

